Однако, в этот период в Узбекистане приоритетное внимание уделялось «Узбекской модели». Действительно, во время создания данной модели страна приступила к построению демократического правового государства, были определены стратегии развития гражданского общества, поставлен прочный фундамент национальной государственности и суверенитета, неприкосновенности государственных границ, верховенства закона, прав и свобод человека, формировались институты народовластия и гражданского общества. Переход к рыночной демократии сопровождался отказом от старого административно-командного управления экономикой и обществом, были созданы благоприятные условия для развития малого бизнеса и предпринимательства, расширились интеграционные связи республики с зарубежными партнёрами.

Вместе с тем, в прошлые десятилетия накопился ряд острых социальных, политических и организационно-экономических проблем, которые требовали коренного повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации приоритетных направлений по модернизации страны и либерализации всех сфер жизни. Предложенная в 2012 году «Концепция развития гражданского общества» базировалась на идее «Узбекской модели».

Однако, социальная жизнь, общественные отношения второго десятилетия третьего тысячелетия показали несостоятельность «Узбекской модели». И поэтому, чтобы к 2030 году вывести страну в число 50 развитых государств, в Узбекистане разработана «Стратегия развития 2030-2050», принятая краткосрочная «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана в 2017-2021 годах»<sup>22</sup>. Стратегии действий отличаются широкомасштабностью и универсальностью, без чего не может существовать модель как система, квинтэссенция социальных процессов. Каждое приоритетное направление может рассматриваться как подсистема или минимодель общей социальной системы.

В диссертации выявлены особенности моделирования социально-экономических процессов в гражданском обществе. Диссертант утверждает, что один из главных признаков гражданского общества – это обеспечение экономической демократии, поддержка частной собственности, бизнеса и

---

<sup>22</sup> См.: Указ Президента Республики Узбекистан. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Официальное издание. – Ташкент: Адолат, 2017. С.41-43.

предпринимательства. Но это отнюдь не отвергает государственные, общественные и корпоративные формы собственности, организацию государством социально-ориентированную рыночную экономику. Между экономической демократией и политической свободой, между бизнесом, предпринимательской деятельностью и политическим равенством существуют принципиальные разницы.

Автор согласен с мнением Р.Даля, который пишет: «либо демократию следует рассматривать как угрозу для прав собственности, либо права собственности – как угрозу для демократии»<sup>23</sup>. Это противоречие будет существовать всегда, именно это противоречие в гражданском обществе является движущей силой ведения конструктивного диалога между сторонниками демократии, свободы и частной собственности. Здесь, по мнению автора, главную роль играет социально-экономическая политика государства, его концептуальные модели развития экономической демократии и институтов гражданского общества. Автор считает, что моделирование социально-экономических процессов предполагает знание этих факторов и направляет их на оптимизацию. Эти факторы конкретизируют приоритетные направления, отмеченные в Стратегии действий по дальнейшему развитию Узбекистана, и исходят из особенностей этого приоритетного направления.

Достижение макроэкономической стабильности требует комплексного подхода, то есть, учёта предыдущего опыта, анализа систем потребления, воспроизводства и распределения, метода планирования и прогнозирования и многих других факторов. Для обеспечения макроэкономической стабильности и роста производства применяются разные методы моделирования. Автор ссылается на метод математического моделирования Вальраса-Леонтьева.<sup>24</sup> Эта модель представляется четырьмя группами дифференциальных уравнений:

$$H \frac{dc}{dt} = \int x - x + N[c(t), Q],$$

$$K \frac{df}{dt} = B'x - r(c, v),$$

$$\frac{dx}{dt} M + c' - (c'A + vB') = c' - c'^*$$

$c^* = c'A + v'B'$ ; где  $H$ ,  $K$ ,  $M$  – диагональные матрицы с положительными элементами;  $r(c, v)$  - спрос на факторы производства.

Первая группа дифференциальных уравнений определяет процесс согласования общественного производства и личного потребления за счёт изменения цен; вторая – отражает согласование предложения средств производства товаров народного потребления и производственных факторов с их производством в структуре, необходимой для удовлетворения спроса потребителей; третья группа определяет рост производства товаров народного потребления в соответствии с условием неотрицательности дифференциальной прибыли. Всё это в целом способствует росту объёмов производства товаров потребления и снижению цен при достижении максимальной интегральной

<sup>23</sup> Даль Р. Введение в экономическую демократию. – Москва: Наука СП «ИКПА», 1991. – С.55.

<sup>24</sup> См.: Маришима М. Равновесие, устойчивость, рост (многоотраслевой анализ). – Москва: Наука, 1992.

прибыли<sup>25</sup>. Таким образом, автор считает, что особенность моделирования социально-экономических процессов в гражданском обществе состоит в полном удовлетворении потребностей личности, поэтому согласование сферы производства и потребления является главным условием развития социально-экономической жизни.

В диссертации показаны особенности опыта и перспективы инновационного развития как метод моделирования социальных процессов. На основе анализа работ зарубежных исследователей Й.Шумпетера Р.Акоффа, В.Беренса, Р.Друккера, Д.Кларка, Г.Менша, Р.Портера, Р.Форстера диссертант обосновал значение понятий «инновация», «инновационная деятельность», «инновационное развитие» как основной движущей силы развития рыночной демократии. Именно инновация в лице предпринимателя является, по выражению Й.Шумпетера, «духовным творцом новых комбинаций»<sup>26</sup>, новых социальных отношений и процессов. Исходя из сущности данных представлений, автор подчёркивает, что инновация превзошла границы технико-экономического прогресса и приступила к цифровизации в разных сферах культуры. Инновационное развитие как метод моделирования позволяет разрешить противоречия, содержащиеся в объективных тенденциях развития. Их реализация осуществляется благодаря целенаправленной инновационной деятельности социальных и экономических субъектов. Глобализация и расширение интеграционных связей по сути есть инновационная модель модернизации социально-культурного бытия. Осознание этого факта и выработка соответствующих политических и экономических механизмов способствует преодолению этноизоляции, этностереотипов, голословного восхваления и возвеличивания прошлого. Следовательно, реформы, проводимые в Узбекистане, направлены на смелое вхождение в глобализацию и активное расширение интеграционных связей Узбекистана с мировым сообществом. Для этого необходимо преодоление инерции традиционного мышления, жить и работать ради народа, для повышения благосостояния народа, укрепления либерально-демократического развития общества. Нынешнее инновационное развитие необходимо рассматривать именно с этой точки зрения.

Исследуя опыт работы ведущих стран, таких как США, Великобритания, Германия, Франция, Япония, Китай, автор делает вывод о том, что в инновационной деятельности ведущая роль принадлежит частным корпорациям, технологическим паркам, НИИ (научно-исследовательским институтам) и университетам, коммерческим инновационным центрам. Например, первым крупным инновационным комплексом в мире является технологический парк «Силиконовая долина», созданный при Стенфордском университете (США, штат Калифорния). Во многих университетах США сформированы подразделения научных парков по трансферту технологий, которые помогают создавать малые инновационные компании, сети передачи знаний. В Великобритании организацией инновационной деятельности занимается созданный в 1999 году Инновационный фонд высшего образования (Higher Education Innovation Fund), а

<sup>25</sup> Бугрим М.В. Вопросы построения модели согласования общественного производства и личного потребления// Моделирование социально-экономических процессов в сфере народного благосостояния. – Москва: Наука, 1999. С.34-34.

<sup>26</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – Москва: Прогресс, 1982. С.185.

ведущими в области инноваций являются Оксфордский, Кембриджский и Бристольский университеты.<sup>27</sup> Эти инновационные центры сами находят заинтересованных партнёров и крупных инвесторов. К сожалению, в Узбекистане пока трудно найти таких партнёров и инвесторов. Поэтому государство вынуждено выступать в роли таких партнёров и инвесторов, показать инициативу в организации инновационного развития общества.

Концепция инновационного развития Узбекистана предусматривает реформирование социальной сферы, коренное изменение социальных условий – благоустройство городов и сёл, обеспечение занятости населения, улучшение деятельности медицинских, социокультурных учреждений, привлечение молодёжи к образованию, научно-техническому творчеству, повышение социально-политической активности женщин, развитие семейного предпринимательства, строительства и реконструкции дорог, улучшение коммунальных услуг и водоснабжения, организацию электрификации и газификации отдалённых районов и сельских местностей, создание новых систем и структур народного, дошкольного образования. Социальная политика государства переориентирована на достижение удовлетворения духовных и культурных потребностей человека, каждого гражданина республики. Все институты государственного управления должны служить человеку, народу. Во главу угла социальной политики, концепции инновационного развития положены интересы человека, его духовно-культурные потребности, улучшение его жизни, здоровья.

Автор утверждает, что для обеспечения социальной защиты и инновационного развития социальной сферы необходимо решение глобальных проблем, таких как неофициальное трудоустройство населения, дистанционные формы труда и трудовых отношений, которые формируются вне сферы и влияния государства. Аутсорсинг и аутстаффинг меняют привычные представления трудовых отношений, их фактически невозможно урегулировать и привлекать к налогу. Эти формы трудовых отношений требуют применения соответствующих законов и программ регулирования. Также с внедрением цифровых технологий, цифровой экономики такие профессии как бухгалтер, медработник, адвокат, преподаватель в народном образовании и высшей школе, юрисконсульт, библиотекарь и другие теряют актуальность. Это приведёт к сокращению 47% рабочих мест, увеличению числа безработных<sup>28</sup>.

В обеспечении инновационного развития общества важную роль играют институты государства, особенно те, которые непосредственно работают с населением. От удовлетворения их деятельности зависит формирование общественного мнения людей о принципах деятельности государственного аппарата в целом. Все демократические реформы осуществляются с помощью институтов управления, неоперативность, неумение работать с населением, игнорирование его интересов сразу сказываются на общественном сознании, быстро меняют мнения людей. Не учитывать флюктуационный характер

---

<sup>27</sup> См.: Умаров А.А. Инновационная деятельность научных учреждений в условиях модернизации экономики. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. С.14-15.

<sup>28</sup> См.: Рафиков К. Кучли ижтимоий сиёсатнинг Ўзбекистонга хос тажрибаси// Халқ сўзи, 2018, 14 апрель.

общественного мнения означает, что аппарат управления не умеет работать и не сможет изменить этностереотипы.

В гражданском обществе преобладающим субъектом инновационной деятельности выступают негосударственные организации, институты гражданского общества. Именно они определяют динамизм развития общества, выступают движущей силой социальных изменений, внедрения новых форм работы в общественную жизнь. Таким образом, инновационное моделирование гражданского общества в Узбекистане имеет этнопсихологические и этнокультурные особенности. Инновационные изменения общественной жизни, социальных сфер – это неизбежный процесс, их требуют мировое сообщество, динамика глобализации.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Результатами исследования выдвинуты следующие выводы:

1. Научное моделирование – это один из способов социального познания, которое начинается тогда, когда выявляются объективные закономерности изменения поведения или состояния объекта-оригинала, определяя его идеальное состояние.

2. Определены более эффективные механизмы моделирования социальной действительности и социальных процессов как модели-оригинала, учитывая ценность позиции модели-прототипа, его идеи, концепции и выводы.

3. Целесообразно внедрять результаты эксперимента, моделирования в социальные процессы, жизнь объекта-оригинала поэтапно, поскольку моделирование формирует новые идеи, ориентирует мышление на научное познание социальных процессов и таким путём подготавливает общественное сознание к конструктивному диалогу с наукой, учёным-экспериментатором.

4. Выявлено, что несмотря на общность в ценностных установках, гражданское общество в каждой стране имеет свои особенности, которые проявляются в следующем: 1) либерально-демократические ценности всё больше внедряются в систему социальных норм, 2) национальные государства становятся всё более мобильными, инновационными и социокреативными, 3) расширение границ национальной культуры, 4) активность учёных из разных стран на пути создания глобального моделирования развития человечества, 5) становление гражданского общества в Узбекистане всё больше становится реальностью.

5. Концепция инновационного развития общества, предложенная Президентом Республики Узбекистан, – это инновационная модель, включающая в себя мировой опыт и достижения передовых стран в построении и развитии благополучного и процветающего гражданского общества в стране.

6. Узбекистан идёт по пути широкомасштабного социального эксперимента, моделирования, и народ – это непосредственный участник, объект-оригинал и модель-прототип вместе взятые. Следовательно, будущее зависит от многонационального народа: что он закажет, как объект-оригинал, то и следует ожидать как модель-прототип от этих изменений и поисков.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАТТАРОВА СИТОРА ФАХРИДДИН ҚИЗИ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙИ  
ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fal183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадаева Шаҳноза Омонуллаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саифназаров Исмоил Саифназарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Муминов Алишер Гаффарович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақами Илмий кенгашнинг **2020 йил «24» декабр** соат **14:00** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йўй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йўй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Н.А.Шермуҳамедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

**У.А.Махкамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, фалсафа  
доктори (PhD)

**Г.Т.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, фалсафа фанлари доктори,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда содир бўлаётган глобал ўзгаришларда ижтимоий жараёнларни моделлаштиришга зарурат кучайиб бормоқда. Бутун жаҳондаги ривожланган давлатлар иқтисодий, маданий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш мамлакат истиқболини, келажак тараққиётини белгилаб берувчи етакчи омил эканлигини англаб етмоқда. Шу нуқтаи назардан, жамият модернизацияси сифатига алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Бутун дунёнинг илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ижтимоий воқеликни моделлаштиришга оид ислоҳотларининг долзарбилиги, ҳамда инновацион модернизацияни жорий қилишининг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Замонавий фан парадигмалари усуллари ва дастурларидан самарали фойдаланиш мақсадида фуқаролик жамиятида барқарор ривожланишни таъминлаш учун ижтимоий жараёнларни моделлаштириш зарурати қучаймоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишга доир «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» вазифалари моделини яратиш зарурати давлат сиёсати даражасига чиқмоқда<sup>1</sup>. Мазкур модель замирида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мезони муҳим ўрин эгалламоқда. Ўзбекистонда жамиятни моделлаштиришнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий мезонлари белгилаб олинган. Зоро, модернизациялаш жараёнини ўрганиш, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларини аниқлаш кундан-кунга долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур диссертация муайян даражада Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қиласди.

**Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда 1991 йилдан 2017 йилгача амал қилган жамиятни модернизациялаш бўйича “Ўзбек модели” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таклиф қилган ва халқ томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ушбу тадқиқотнинг назарий-услубий асоси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти тузилмалари ҳақидаги ғоялар «Авесто»да, Шарқ мутафаккирлари Ар-Розий, Ал-Фаробийларнинг ижтимоий-фалсафий асарларида; Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий асарларида эса ижтимоий жараёнларни бошқариш тўғрисидаги ғояларда илгари сурилган.

Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида “шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси”, деб таъкидлайди. Бунинг учун ҳамкорлик зарур. Бу фуқаролик жамиятининг асосий омилларидан биридир. «Уруш ва адолатсизликка асосланган жамият – фуқаролик жамияти бўла олмайди», дейди<sup>3</sup>. Бу эса жамиятни ўзгартиришни моделлаштиришнинг мезонларидан бири ижтимоий шериклик эканлигидан далолат беради.

Абу Райхон Беруний «Адолатли ҳукмдорнинг вазифаси кучлилар ва ожизлар, аҳолининг олий ва қуи қатламлари ўртасида тенглик ўрнатишдан иборат»<sup>4</sup> деган ғояси замонавий фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг модели сифатида ҳозирги дунёда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Алишер Навоий ўз асарларида «мукаммал жамиятни» таърифлаган, ва бу ҳодиса ҳозирги даврда фуқаролик жамияти деб аталади.

Ғарб мутафаккирлари, худди Шарқ мутафаккирларига ўхшаб, ўз таълимотларида фуқаролик жамияти моделларини таърифлаган. Ш.Фурье бойлар ҳукмронлик қилган, камбағаллар эса эътибордан четда қоладиган жамиятни танқид қиласди. Инглиз файласуфи Р.Оуэн ижтимоий давлатнинг маҳаллий модели ғоясини илгари суради ва унинг ёрдамида замондошлари учун ғаройиб самарани кашф этади: «ишининг турмуши ва маълумотига кўпроқ маблағ сарфланса, фойда ҳам сезиларли равишда ошади»<sup>5</sup>.

Рус файласуфлари, жумладан, Н.Г.Чернышевский, П.Я.Чаадаев, Н.А.Добролюбов, жамиятни модернизациялаш ғоясини илгари суринган. Н.Г.Чернышевский ўзининг «Нима қилиш керак?» асарида «келажак жамиятини» таърифлаган, яқин вақт ичида одам табиатдан машина яратади ва у одамзотнинг ҳаётини енгиллаштиради, унинг ҳаётининг барча жабҳаларида астойдил хизмат қиласди, деб фикр юритган<sup>6</sup>. П.Я.Чаадаев таълимотида жамиятнинг икки қисмга бўлиниши кузатилади: утопиянинг ҳаётга жорий қилиниши ва миллий ўзига хослик.<sup>7</sup> Н.А.Добролюбовнинг фикрича, ҳар бир кишига ўзлигини намоён қилиш учун шароит яратиладиган янги жамиятда,

<sup>2</sup> «Узбекская модель» развития. // <https://uzreport.news/economy/printsiyi-uzbekskoy-modeli-reform>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>3</sup> Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Маънавият, 2006 г. С.56.

<sup>4</sup> Каранг.: Шарипов А. Маънавият юлдузлари. Беруний. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1999 г. 93 С.

<sup>5</sup> Каранг.: Подмарков В.Г. Роберт Оуэн. – Москва: 1976 г., С.18.

<sup>6</sup> Литература: Анализ творчества литераторов. Чернышевский Н.Г. Русская литература.«Что делать?» общество будущего в романе.// <http://russkay-literatura.ru/analiz-tvorchestva/55-chernyshevskij-n-g-russkaya-literatura/279-lchto-delatr-obshhestvo-budushhego-v-romane.html>

<sup>7</sup> Чаадаев П.Я.. Философические письма. Сочинения на русском языке. – Москва: издательство «Римис», 2011 г., С.272.

одамга муносабат унинг шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан кўздан кечирилади, моддий фаровонлик эса ҳар кимга «мехнатининг микдори ва қадрига қатъий мутаносиб равишда берилиши керак: шунда ҳар ким ўз ишини имкон қадар яхши бажариш учун ўқийди ва танбалларга ўрин қолмайди»<sup>8</sup>.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошида жамиятни модернизациялаш тўлкини Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон асарларида ўз ифодасини топди. Ушбу даврда жамиятнинг ривожланиши модели маърифат орқали модернизациялашга йўналтирилган эди. Модернизациялашнинг ушбу модели дунёning барча мамлакатларида ва ҳозирги дунёда ҳам асосий омил ҳисобланади. Ўша даврларда Фарб мамлакатларида Р.Акофф, В.Беренс, Р.Друккер, Д.Кларк, Г.Менш, Р.Порттер, Р.Форстер каби олимларнинг тадқиқотларида бозор демократиясини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган, уларнинг асносида фуқаролик жамиятини қуриш шартлари вужудга келадиган инновациялар, инновацион ишланмалар муаммолари ўрганилган.

XX асрга келиб, фуқаролик жамияти бўйича инновацион ғоялар Э.Тайлор, Й.Шумпетер, Р.Андерсон, Дж.Рейзер, В.Штофф каби олимлар томонидан илгари сурилган. Инглиз этнологи, маданиятшунос олими Э.Тайлорнинг фикрича, илмий англаш ва фикрлаш фаолияти моделлаштиришнинг манбалари сифатида келажак ҳақидаги башорат, инсоният келажагини моделлаштириш, одамнинг табиат ва жамият билан мистик-гипотетик муносабатлари модели ҳисобланади<sup>9</sup>. Жумладан, инновация тадбиркор қиёфасида, Й.Шумпетер иборасига кўра, «янги комбинациялар», янги ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг «руҳий ижодкоридир»<sup>10</sup>, Америкалик дастурчи-тадбиркорлар Р.Дж.Андерсон ва Дж.Б.Рейзер тажрибаси туфайли «ўқитувчи-одам» сунъий интеллект дастури<sup>11</sup> яратилган бўлиб, унинг асносида ўқитиш жараёнидаги намойиш модели яратилган. В.А.Штофф моделни танлаш ва ишлаш муаммосини гносеологик нуқтаи назардан кўриб чиқади<sup>12</sup>.

Янгиланаётган Ўзбекистонда мамлакатимиз олимлари С.Отамуродов, Ф.Мусаев, О.Мусаев, А.Очилдиев каби файласуфлар жамиятни модернизациялашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилган; Ш.Пахрутдинов, Х.Ахмедов, И.Эргашев, М.Киргизбоев фуқаролик жамиятининг сиёсий жиҳатларини, жумладан, таҳдидларга чидамли маънавий ривожланган жамиятни шакллантириш масалаларини ўрганганди. Мураккаб тизимларни моделлаштиришнинг замонавий парадигмалари фалсафий-методологик жиҳатлари М.Ниязимбетов томонидан тадқиқ қилинган. Айни пайтда, Т.Хожиев, О.Сирожев, Б.Омонов, Ж.Мавлонов, С.Бердиқулов

<sup>8</sup> Русская сатира екатеринского времени (Добролюбов Н.А., 1859). Русские сатирические журналы 1769-1774 годов. Эпизод из истории русской литературы прошлого века. Сочинение А.Афанасьева. Москва, 1859 г. // <https://kartaslov.ru>

<sup>9</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М: Издательство «Терра», 2010. ISBN: 978-5-275-02174-5. С.323.

<sup>10</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М: Прогресс, 1982. С.185.

<sup>11</sup> Реальность и прогнозы искусственного интеллекта. Сборник научно-популярных статей (В мире науки и техники). Под редакцией В.Л.Стефанюка. – М: Мир, 1987. С.27-47.

<sup>12</sup> Штофф В. Моделирование и философия. - Л.: Наука, 1996. – 305 С.

томонидан фуқаролик жамиятини модернизациялашни тадқиқ қилиш илмий нұқтаи назардан асослаган<sup>13</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқотчиларнинг илмий холосалари ва тавсиялари бугунги кунда ҳам ўз долзарбилигини йўқотмаган, улар томонидан қўлланилган ижтимоий жараёнларни мураккаб тизимларнинг ривожланиш динамикасини англаш усуллари замонавий ҳаётнинг ўзига хосликларини излашга қўмаклашади. Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий жараёнларга хаддан ташқари ўзгарувчанлик хос, улар янги шароитлар ва янги шаклларда вужудга келади, баъзан уларни англаш, алмаштириш ва таҳлил қилиш, уларга илмий таъриф бериш мушкул бўлади. Шу сабабли ижтимоий тизим ривожланишининг ҳар бир босқичи ва унда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар илмий таҳлилга алоҳида ёндашувни талаб этади. Олинган назарий-таҳлилий материаллар асосида айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти ривожланишида ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон миллий университетининг «Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими» кафедрасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг назарияси ва тарихини ўрганиш» мавзуси доирасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик жамиятида барқарор ривожланишни таъминлаш учун ижтимоий жараёнларни моделлаштириш зарурятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«модель» ва «моделлаштириш» тушунчаларининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, фуқаролик жамиятининг асосий моделларини таснифлаш;

моделлаштириш устуворлигини ижтимоий ислоҳотлар усули сифатида аниқлаш;

ижтимоий ислоҳотларнинг аҳолининг турли қатламлари фикрлаш услубига ҳамда ҳаётий фаолиятига таъсирини, уларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришларни очиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси ривожланиши мисолида фуқаролик жамиятини ижтимоий моделлаштиришда шахс омилиниң аҳамиятини очиб бериш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий қайта ўзгартиришлар бегиланган.

**Тадқиқотнинг предметини** фуқаролик жамиятига оид ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг назарий метод ва ёндашувлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари:** таҳлил, умумлаштириш, социометрик таҳлил, гипотетик-дедуктив ёндашув, математик-кибернетик таҳлил, шунингдек, умумий ўзаро боғлиқлик, тизимлилик, изчилик тамойиллари.

<sup>13</sup> Ушбу манбалар диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

ижтимоий жараёнлар демократик нуқтаи назаридан англашда ва моделлаштиришда интегратив ва ижтимоий-кибернетик каби хусусиятлари ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамиятида моделлаштиришнинг мураккаб тизими анъанавий ва замонавий тараққиёт трендлари комбинациясида жамият онги императивларининг етакчи ахлоқий ғоявий йўналиши сифатида шаклланиши қонунияти асосланган;

фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ижтимоий ҳаётнинг инновацион ўзгариши концепцияси моҳиятан демократик ислоҳотларнинг концептуал модели эканлиги математик-кибернетик ва социометрик таҳлил орқали далилланган;

ижтимоий тизимнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берадиган ижтимоий-фалсафий таклифлар ва унда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг гипотетик-дедуктив усули ишлаб чиқилган.

## **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

ижтимоий тизимларни тубдан ўзгартиришга йўналтирилган социал жараёнларни моделлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарий асоси бўлиб хизмат қиласди;

ижтимоий тизимлардаги ўзгаришларга оид қонуниятларни тизимлитақибий таҳлили натижасида ишлаб чиқилган ижтимоий жараёнларни моделлаштириш методидан фойдаланиш тўғрисидаги хулосалардан жамиятда демократик ўзгаришларни модделлаштиришда қўллаш мумкин;

мамлакатнинг инновацион ривожланишининг моделлаштирилиши таҳлил қилинган замонавий ёндашувлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар жамиятни илмий бошқариш зарурлигини назарий асослаш учун керак.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чоп этилган мақолаларни республика ва халқаро миқёсида илмий конференциялар материаллари тўпламларида муҳокама этилганлиги, мақолаларни Ўзбекистон Республикаси ОАҚ томонидан тавсия этилган журналлар ҳамда ҳорижий илмий журналларда чоп этилганлиги, ҳамда натижаларни амалиётда жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалар ижтимоий жараёнларнинг тизимлитақибий таҳлили ва уларни моделлаштириш усулларига йўналтирилган тадқиқотларнинг илмий-методологик асосини бойитишга хизмат қилиши билан асосланади. Илмий хулосалар “Ижтимоий фалсафа”, “Ижтимоий жараёнларни лойиҳалаш, прогнозлаш ва моделлаштириш”, “Сиёсатшунослик”, “Харбий социология” каби фанлар бўйича дарслик ва услубий қўлланмаларнинг илмий-услубий базасини бойитища, “Моделлаштиришининг хусусиятлари”, “Ижтимоий билиш фаолияти жараёнлари” каби маҳсус курсларни тайёрлашда

ҳамда миллий ва халқаро миқёсда семинар ва симпозиумлар ташкил этишда фойдаланиши мумкин.

Илмий тажрибаларни ўтказиш, моделлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар давлат ва жамият бошқаруви институтларининг амалий фаолиятида, ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича ижтимоий тажрибаларни ўтказишда ҳамда истиқболли мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича самарали йўлларни аниқлашда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фуқаролик жамияти ривожланишидаги ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий тизимлардаги ўзгаришларни замонавий демократик ўзгаришлар нуқтаи назаридан англашда моделлаштиришнинг хусусиятларига оид таклифлар ва хulosалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси тингловчиларига мўлжалланган «Ҳарбий социология» ва «Фалсафа» фанлари бўйича ўкув қўлланмаларини тузишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3003-сон маълумотномаси). Натижада «Ҳарбий социология» фани бўйича “Моделлаштиришнинг хусусиятлари” мазмуни ва «Фалсафа» фани бўйича “Ижтимоий билиш фаолияти жараёнлари” мавзуларининг мазмуни такомиллаштирилди;

жамият онги императивларини ахлоқий ғоявий йўналишлари тарафига олиб борувчи, ривожланишининг анъанавий ва замонавий тараққиёт тенденциялари комбинациясида шакланаётган фуқаролик жамиятида моделлаштиришнинг мураккаб тизимини қонуниятлари бўйича хulosалар Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 04-06/138-20-сон далолатномаси). Натижада Ўзбекистон Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясини ННТ раҳбарлари ва мутахассисларининг билим ҳамда малакаларини ошириш бўйича фаолияти оптимизация қилинди;

моҳиятдан демократик ислоҳотларнинг концептуал модели бўлган фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ижтимоий ҳаётнинг инновацион ўзгариши концепциясини математик-кибернетик ва социометрик таҳлили асосида ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармонида белгиланган тизимни жорий этишга доир қабул қилинган «Йўл харитаси»нинг 11-бандидаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамоилига асосланган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2020 йил 24 ноябрдаги 02-02/1637-сон маълумотномаси). Натижалар жамиятда

ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага қўтаришга хизмат қилган;

ижтимоий тизимни ва унда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг хусусиятларини очиб бериш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон Конунининг 6, 7, 11-моддаларини, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги ЎРҚ-588-сон Конунининг 9, 12, 13, 18-моддаларини шакллантиришда ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 июлдаги 08-13/1149-сон далолатномаси). Натижада «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни бажарилиши сифатини оширишга ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назорати мониторингига имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий ва амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш, шу ҳисобда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий иш (6 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, ҳар бири учта параграфдан ташкил топган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, ўрганилганлиги даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг амалий фаолиятда қўлланилиши, чоп этилган ишларда синовдан ўтказилганлиги, диссертациянинг таркиби асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Моделлаштириш фуқаролик жамиятни модернизациялаш усули сифатида»** деб номланган биринчи бобида модель ва моделлаштириш тушунчаларининг генезиси, унинг ижтимоий англаш усули эканлиги ва ижтимоий-маданий макондаги ўзгарувчан характери, шунингдек, ижтимоий жараёнларни англашда унинг аҳамияти ва роли очиб берилади.

Диссертацияда модель инсоннинг фикрлашга оид фаолиятнинг барча шаклларида мавжуд бўлган келажакнинг идеал образи сифатида кўриб

чиқилади, моделлаштириш эса ижтимоий тизимнинг ўзгариши ва ривожланиши, унда ижтимоий жараёнларнинг кечиши сифатида кўриб чиқилади. «Модель» ва «моделлаштириш» тушунчаларининг моҳияти ва аҳамиятни таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан аниқландики, “моделлаштириш” илмий атама сифатида «модель» (*лот. modulus* - ўлчов, намуна) сўзидан олинган бўлиб, у муайян шароитларда объект-оригиналнинг ўрнини босувчи ҳамда оригиналнинг қизиқтирадиган хусусиятлари ва характеристикаларини намоён қилиш орқали оригинал объектнинг ўрнини босиши мумкин. Предмет (макет, мослама, намуна) шаклида ҳудди ўзидай акс эттириши, ҳамда рамзлар (график, чизма, дастур, дастур, назария) шаклида амалга оширилиши мумкин»<sup>14</sup>.

Шундай қилиб, моделлаштириш бу объектларни уларнинг моделларида тадқиқ қилиш жараёнидир. У моделлар типлари ва моделлаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришга алоҳида услубий ёндашувни талаб этади. Муаллифнинг фикрича, моделлаштириш модель ва объект ўртасида реал муносабатларни ўрнатади, маҳсус назарий таҳлил жараёнида объект моделининг хоссаларини такомиллаштиради. Демак, моделлаштириш дейилганда объектни (предметни) ижтимоий билишнинг кенг тарқалган услуби бўлиб, у давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида қўлланилади. Моделлар ва моделлаштириш типлари жуда ранг-баранг, баъзан улар бир-бирига зид бўлиб, уларни таснифлаш ва схемалаш, фалсафий умумлаштириш имкони бўлмайди.

Диссертацияда Э.Тайлор, Дж.Андерсон, Дж.Рейзерларнинг моделлаштириш тўғрисида ғоялари таҳлил қилинган, конструкциялар типини аниқлаш, қарорлар қабул қилиш жараёнини белгилаш ҳамда кенг ҳодиса, объектни соддалаштириш учун қўлланиладиган моделларнинг таснифи келтирилган. Таҳлил давомида муаллиф томонидан моделни акс эттиришнинг учта энг кенг тарқалган тури ажратилган:

1 - объектнинг ишлаб чиқариш модели, у деярли идеал функцияларни бажаради. Ишлаб чиқариш моделининг идеал функциялари, моделлаштириш нуқтаи назаридан, тафаккур фаолиятининг якуний мақсади ҳисобланади, аммо улар ҳар доим ҳам объектни тўғри акс эттирмайди, унга мос келмайди;

2 - объектнинг таҳлилий модели акс эттириш жараёнининг натижаси сифатида намоён бўлади ва таълимда маълум функцияларни бажаради. Ушбу моделнинг аҳамиятини Карнеги-Меллон университетининг дастурчи ўқитувчилари Р.Джон Андерсон ва Дж.Брайен Рейзернинг ўқитиш тажрибаси мисолида асослаб берди. Улар ўқитувчи-одам (сунъий интеллект) дастури QREATERP ни (Лисп тилининг стандарт предикатларидан) яратиш орқали «интеллектуал дарс бериш» жараёнини амалга оширди;

3 – акс эттираётган объектнинг прагматик модели акс эттирилаётган объектни тадқиқ қилиш мақсадида фойдаланилиши мумкин. Бу ҳолда «модель»

<sup>14</sup> Новейший философский словарь/Сост. А.А.Грицанов. -Минск: Изд. В.М.Скакун, 1998.- С.435.

акс эттираётган объектини билдиради, ва у моделлаштиришга ижтимоий билиш усули каби бевосита алокадор бўлади.

Муаллиф сунъий моделлаштиришнинг функционал хусусиятларини ва унинг оригинал билан алоқаларини таҳлил қиласр экан, шундай хулосага келадики, моделни яхлит ҳолатда тушунишга фақат билиш жараёнида табиатни ва моделларнинг турли-туман функцияларини тадқиқ қилиш орқали эришиш мумкин. Демак, моделлар турли хил бўлиши мумкин – илмий, эмпирик, билиш, ижтимоий-маданий, психологик, ҳарбий, миллий, экологик, демографик. Ҳар бир модель акс эттирилаётган объектнинг у ёки бу хусусиятларини ифодалаши керак, бунда у оригинал ролга, акс эттирилаётган объект билан мосликка даъво қила олмайди. Моделлар модель ва оригинал, назария ва воқелик ўртасидаги оралиқ бўғин ҳисобланади.

Диссертацияда янги цивилизацияни моделлаштиришнинг ғоявий асосини ташкил этган Платоннинг «Атлантида» ва Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри» асарлари, Р.Оуэн, Оруэллнинг утопик моделлаштириши тадқиқ қилинади<sup>15</sup>. Зоро, утопия моҳиятан муайян модель, келажак образи, объектнинг (предметнинг) тахмин қилинадиган хатти-ҳаракатини англатади. Утопияда ҳар доим келажакнинг тасаввурдаги қиёфаси, исталган меъёрлар, объектнинг (предметнинг) хатти-ҳаракати, идеаллари мавжуд, уларни Фаробий ва бошқа Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам учратиш мумкин<sup>16</sup>. Масалан, Фаробийнинг ёзишича: «Инсон ҳаётининг мақсади соодатга эришиш, Фозил одамлар шахрида яшаш бўлиб, бунда одамларнинг бирлашуви натижалари ўзаро ёрдамда, ишларда ифодаланади»<sup>17</sup>.

Демак, муаллифнинг фикрича, ҳар бир давр ўз моделларига эга, аммо фан ва техниканинг ривожланиши, кибернетиканинг пайдо бўлиши моделлаштиришнинг янги назарияларини ишлаб чиқишига кўмаклашади.

Диссертацияда моделлаштиришнинг гносеологик жиҳатлари фуқаролик жамиятини шакллантириш усули сифатида кўриб чиқилди. Муаллифнинг фикрича, моделлаштириш ҳар қандай тафаккур фаолиятига хосдир, аммо ҳар қандай тафаккур фаолияти ҳам моделлаштириш эмас. Моделлаштиришнинг шундай шакллари борки, улар илмий кузатув ва илмий тажриба натижасидан эмас, балки кундалик, одатдаги кузатувдан келиб чиқади. Диссертант А.Н.Кочергиннинг аналог, прототипни оригиналга тенглаштириб бўлмайди, улар айнан бир хил эмас<sup>18</sup>, деган фикрига кўшилади, «ўзининг табиий хусусиятларига кўра бир хил объектлар тадқиқотчи томонидан воқеликка киритиши шартлари бўйича бир хил бўлмай қолиши мумкин (масалан, турли

<sup>15</sup> Платон. Диалоги. – Москва, из серии «Вся мудрость мира», Издательство АСТ, 2017. – 250 с., Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1972. – 430 С.

<sup>16</sup> Аль-Фараби «Население мирного города». Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1972. – 430 С.; Ибн Сина (Авиценна), Ибн Туфайль, ас-Сухраварди. Российский университет дружбы народов. Фонд исследований исламской культуры, 2018. – 230 С.; Повесть о Хайе ибн Йакзане; Ибн Баджа Книга о душе. Перевод А. В. Сагадеева. — В сборнике: Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX—XIV вв. М., 1961, С.291—324.

<sup>17</sup> Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. –Алма-Ата: Наука, 1973. –С.3.

<sup>18</sup> Кочергин А.Н. Методы и формы научного познания. –Москва, 1990. С.52.

шароитларда ишловчи иккита ускуна). Бошқача айтганда, модель вазифасида фойдаланиладиган ҳар қандай объект модель бўла олиши мумкин»<sup>19</sup>. «Бундай фарқлаш мумкинми?” деган саволга муаллиф моделлаштиришдан ташқари бошқа билиш усулларидан фойдаланишни таклиф қилади. Моделлаштириш батамом тўлиқ жавоб бера олмагани учун унинг натижалари – мутлақ ҳақиқат эмас, балки билишнинг услубларидан биридир.

Фуқаролик жамиятидаги ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг гносеологик жиҳатларини асослаш учун муаллиф томонидан бир қатор Ғарб олимларнинг: М.Вартовский, Т.Кун, К.Поппер, Ж.Агасси, Р.С.Коген, П.Фейерабенд, В.А.Штофф, Б.А.Глинский, В.С.Тюхтина ва бошқаларнинг илмий-фалсафий ғоялари ўрганиб чиқилган. Уларнинг асарларидағи ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг гносеологик жиҳатларини илмий таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан фуқаролик жамияти йўлидаги ислоҳотларнинг аҳамияти, ахборотнинг ижодий тафаккурга таъсири, ижтимоий онгда моддий ва идеал жиҳатларнинг нисбати аниқланди. Ушбу ёндашувларнинг гносеологик таҳлили инсоннинг билиш фаолиятида, унинг ижодий тафаккурини шакллантиришда моделлаштиришнинг аҳамияти ва ролини янада чуқурроқ англаш имкониятини яратади. Шу тарзда муаллиф шундай хulosага келадики, моделлаштиришнинг гносеологик жиҳати фикрлаш фаолиятининг алоҳида шакли бўлиб, унинг асосини идеал ташкил этиб, у қўйидаги жиҳатлар билан боғлиқ: а) инсоннинг ижодий тафаккурида моддий нарсаларни идеалга айлантириш; б) фуқаролик жамиятининг идеал моделларини шакллантириш; в) билимлар ўсишининг объектив воқелик билан нисбати динамикаси.

Муаллиф К.Поппернинг моделлаштиришнинг асосини фикрни тақорларсиз, яъни «сохталаштирмасдан»<sup>20</sup>, тушунарли тарзда баён этиш ташкил этади, деган фикрига қўшилади. Чунки моделлаштириш ижтимоий фаолиятда ахборотни қайта ишлашда намоён бўлади, бунда илмий ва ижтимоий билимларни ишончлилиги муҳим роль ўйнайди.

Диссертант шундай хulosага келадики, ижтимоий фаолият ҳаракатланиб туради – илмий ёндашувлар, дунёқараш установкалар ўзгаради, янги билимлар ўзлаштирилади, тафаккур ривожланади, ахборот оқимлари, ижтимоий фикр ва янги стратегиялар ўз таъсирини қўрсатади ва шу тарзда фуқаролик жамиятини моделлаштиришга доир гносеологик жиҳатлар тақомиллашади.

Диссертацияда ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг аҳамияти ва ролини аниқлаш учун Т.Парсонснинг ҳозирги фуқаролик жамиятида ижтимоий тизимларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги таълимоти тадқиқ қилинган. Диссертант Т.Парсонснинг тизимостиларнинг тўртта тури ҳақидаги фикрига қўшилади<sup>21</sup>: 1) ижтимоий тизимости; 2) маданий тизимости; 3) шахсга оид тизимости; 4) хулқий организм. Бу тизимостиларнинг ҳар бири ўз

<sup>19</sup> Там же. С.52.

<sup>20</sup> Поппер К. Логика и рост научного знания. – Москва: АСТ, 2001. – С.41-42.

<sup>21</sup> Каранг: Парсонс Т. Система современных обществ. – Москва: Аспект-Пресс. 1998.-С.16.

функцияларига эга. Тадқиқот натижасида автор шуни таъкидайдыки, тўртта тизимости ўртасида ўзаро таъсир, ўзаро сингиш ва ўзаро алмашинув кузатилади, улар туфайли ижтимоий тизимлар «очик» тизим сифатида намоён бўлади. Тизимостиларнинг меъёрлари, асосий функциялари ижтимоий тизимларни интеграциялашувига, алоҳида ижтимоий функциялар ва ижтимоий ҳолатлар типларини аниқлаштиришга йўналтирилган. Улар нафақат қадриятлар тизимининг элементларини қамраб олади, балки вазиятга оид шароитларда ҳаракатланиш учун йўналишни белгилашнинг аниқ усусларини қўзда тутади. Демак, ижтимоий тизимлар ўз функцияларини бажариш учун «ўзига бўлган ишончнинг олий даражасига» эга бўлиши керак.

Шу тарзда моделлаштириш фуқаролик жамиятини модернизациялаш усули сифатида назарий-гноセологик ва амалий-эмпирик функцияларга эга. Агар назарий-гноセологик функциялар оригинал обьектнинг ёки ижтимоий тизимнинг хусусиятларини билишга йўналтирилган бўлса, моделлаштиришнинг амалий-эмпирик функциялари ўз ичиға қўйидагиларни қамраб олади: ижтимоий тизим таркибида оригинал обьектнинг аҳамияти, роли ва жойини аниқлаш. Ҳар икки функция моделлаштиришни узил-кесил жавоб, якуний натижа, деб эмас, балки ривожланиш динамикаси ва ижтимоий тизим ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ бўлган узлуксиз ижтимоий жараён сифатида кўради.

Диссертациянинг **«Ижтимоий жараёнларни моделлаштириш усувларини таснифлашга оид хусусиятлар»** деб номланган иккинчи бобида моделлаштириш усувларининг таснифи фуқаролик жамиятининг ривожланиш йўллари сифатида келтирилган, фуқаролик жамияти тўғрисидаги глобал интеграциялашув билан боғлиқ бўлган илмий мунозараларнинг моҳияти, шунингдек, глобал ҳамкорликка, глобал фуқаролик жамиятини шаклланишига тўскинлик қилувчи консерватив кучларнинг мавжудлиги асослаб берилган. Фикрлаш ва турмуш тарздаги консервативлик содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқлик, масъулиятсизлик ва лоқайдликни келтириб чиқаради. Фуқаролик жамияти – бу шундай феноменки, унда ҳар бир инсон фақат ўз манфаатлари ва фаровонлигини ўйлаб яшамайди, балки у либерал-демократик қадриятлар ва келажакни сақланишига ҳам масъул ҳисобланади.

Муаллиф томонидан фуқаролик жамиятини моделлаштириш усувларининг таснифи ишлаб чиқилган: идеал моделлаштириш; конструктив моделлаштириш; эвристик; гипотетик-дедуктив; дастурий моделлаштириш; ирсий-муҳандислик моделлаштириш; қадриятларга қаратилган моделлаштириш. Моделлаштиришнинг ушбу таснифини турли соҳаларга ёки фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятига қўллаш мумкин. Демак, моделлаштиришнинг барча шакллари ижтимоий моделлаштиришнинг бир шакли бўлиши мумкин.

Фалсафий нуқтаи назардан, идеал моделлаштириш ҳар бир инсонга хос. Инсон ўзининг ижтимоий муносабатларини у ёки бу обьект, ҳодиса тўғрисидаги идеал тасаввурдан келиб чиқиб шакллантиради. Идеал

моделлаштириш унга келажакни тахмин қилиш ва ўзининг ижтимоий муносабатлари оқибатларини кўра олиш имкониятини беради. Конструктив моделлар ижтимоий фаолият, тафаккурга оид моделлаштиришнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бундай модель ижтимоий тизимнинг барча соҳаларини қамраб олади ҳамда уларнинг ривожланиши ва ўзгаришининг барча стратегик йўлларини ифодалайди. Математик модель индуктив-статистик ёндашув, ҳамда ижтимоий тизимнинг ўзаро ҳамкорлиги тизимини тиклаш учун зарур. Ижтимоий жараёнларнинг эвристик модели ҳам иқтисодий, сиёсий, ҳам маънавий ислоҳотлар соҳасида қўлланилади. Гипотетик-дедуктив модель ижтимоий-фалсафий мулоҳазаларда, ижтимоий-сиёсий таълимотларда намоён бўлади. Агар ижтимоий жараёнларни дастурий модель моделлаштириш ва уларни прогнозлаштириш фуқаролик жамиятига етакловчи йўл бўлса, қадриятларга йўналтирилган модель моделлаштириш жаҳон кутубхонасининг барча китобларининг маълумотларини қамраб олган, матнларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилувчи глобал ахборот тармоғининг хусусиятларини тавсифлайди. Айни пайтда Интернет тармоғи орқали сайёранинг турли нуқтасидаги одам билан бевосита мулоқот қилиш воқеликка айланди.

Шу тарзда, муаллиф шундай хулосага келадики, фуқаролик жамиятининг барча моделии ижтимоий жараёнларни модернизация қилишга йўналтирилган ва бунинг асосини халқнинг фаровонлигини таъминлаш ташкил этади.

Диссертацияда ижтимоий жараёнларни тизимли модель моделлаштиришга изоморфизм ва гомоформизмнинг таъсири очиб берилган. Муаллиф изоморфизм ва гомоформизм тушунчаларининг аналогиясини асослаб берган. Аналогия модель ва оригиналнинг албатта тўлиқ мос келишини билдирамайди. Моҳиятан, ҳар қандай модель аналогиядир, аммо ҳар қандай аналогия изоморфизм бўла олмайди. Аналогия деб аломатлар, тузилмалар, функциялар ўхшашлиги ҳисобланиши мумкин. Изоморфизм – бу тузилмалар ўхшашлиги бўлиб, бунда модель ва унинг прототипи таркибидаги элементлар ўзаро бир-бирига мос бўлади. Шу тарзда, аломатлар, функциялар ёки тузилмалар бир бирига мос бўлиши керак, агарда улар мос бўлмаса, модель оригинал обьектдаги йўқ сифатлар, аломатлар ёки функцияларга эга бўлиши лозим. Айни пайтда ушбу мавжуд бўлмаган элементлар оригинал обьектнинг ҳаракатланишига, таркибига ижобий таъсир қўрсатиши лозим.

Муаллифнинг фикрича, ижтимоий жараёнларни тизимли модель моделлаштириш учун оригинал обьект ва унинг прототипи ўртасида узлуксиз мулоқотни ташкил қилиш зарур. Изоморфизм ва гомоформизмнинг таъсири ахборот оқимида намоён бўлади. Тизимли модель моделлаштиришнинг таркибий қисми мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракат ва ижтимоий фаолиятни муваффақиятли якунлашда муҳим функция ролини ўйнайди. Оригинал обьектнинг нисбий мустақиллиги унга ҳар қандай ахборот киритилишига йўл қўймайди, айни пайтда унинг ички эҳтиёжларига, унинг ҳаётий фаолиятига мос бўлган ахборот олиш имконини беради. Шу тарзда, изоморфизм, гомоформизм ва тизимли

моделлаштиришнинг нисбати кузатилади ва бунда ахборот бош мезонга айланади.

Ахборот тизимли аксиологик, семиотик, коммуникатив, назарий-акс эттирувчи мазмунга эга. Демак, тизимли моделлаштиришда инсоннинг имкониятлари кенгаяди, назарий таҳлил уни оригинал объектга хос ҳолатга яқинлаштиради. Тизимли моделлаштиришнинг муҳим вазифаси эксперимент, моделлаштириш натижаларини оригинал объектга кўчириш ҳисобланади. Шу тарзда, тизимли моделлаштириш фанлараро характерга эга, у ижтимоий жараёнларнинг муҳим интегратив функциясини бажаради.

Диссертацияда фуқаролик жамияти ривожланишининг ижтимоий-кибернетик таҳлили амалга оширилган ҳамда моделлаштириш жараёни жамиятда содир бўлаётган ахборот ва бошқарув жараёнларини ўрганиши асослаб берилган. Н.Винернинг «Кибернетика ва жамият» китобининг таҳлили асосида муаллиф шуни асослаб берганки, кибернетика жамиятни бошқариш тўғрисидаги фан сифатида меҳнатни илмий ташкил қилишга, бозор муносабатлари, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Ижтимоий-кибернетик моделлаштиришда энг муҳими – бу керакли ижтимоий ахборотларни топа олиш ва улардан фойдаланишдир. Ахборот шундай ҳажмда бўлиши керакки, қарор қабул қиласидаги шахс вазиятни умумий тарзда тасаввур қила олиши мумкин бўлсин.

Ижтимоий ахборотнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги келажакни нотўғри башпорат қилинишига, у ёки бу тизимни, институтларни ёлғондан ёки сохта ташкил қилинишига сабаб бўлади. Муаллиф таъкидлайдики, фуқаролик жамиятида бундай квазиобъектларни яратиш имкониятлари кўп. Масалан, 2018-2019 йилларда Тошкентда шаҳар бошқарувининг самарали моделини яратиш бўйича тажриба ўтказилган. Тажриба давомида уларда мавжуд идораларнинг вазифаларини такрорловчи 20 дан ортиқ квазитузилма аниқланган, ёки «нодавлат институтларини ривожлантириш учун» янгилари ташкил қилинган. Ушбу квазиобъектлар расмиятчиликни ривожлантирган, шунга ўхшаш институтларнинг самарали фаолият юритишига халал берган. Табиийки, тажриба давомида улар бекор қилинган. Демак, ижтимоий-кибернетик таҳлил мақсад, қарор қабул қилиш, ахборот ҳажми ва прогнозлаш усулларининг ўзаро боғланиши занжири аниқланишини тақозо этади. Фуқаролик жамиятида ушбу занжир жамият ривожланишининг стратегик мақсади сифатида шаклланади, унда жамиятнинг ҳолати ҳақидаги ижтимоий маълумотларнинг – таърифлар, прогнозлаш муддати ва усуллари - ҳажми муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ижтимоий-кибернетик таҳлил асосан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Олий Мажлис хузуридаги Мониторинг институти, Фуқаролик жамияти институти тадқиқотчилари томонидан ўтказилади. Кўпинча фуқаролик жамиятининг ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар БМТ га ҳисобот учун тайёрланадиган йиллик «Инсон ривожланиши тўғрисида»ги маърузада ҳам келтирилади.

Муаллифнинг таъкидлашича, ижтимоий-кибернетик таҳлилни жамоатчилик фикрини ўрганиш усули ёрдамида амалга ошириш мумкин. Жамоатчилик фикри тўпланган ижтимоий ахборот оригинал объектнинг реал ҳолати ҳақидаги маълумотларни қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Ижтимоий фикр – бу фуқаролик жамияти демократлашуви даражасининг муҳим кўрсаткичидир.

Шу тарзда, ижтимоий жараёнларни моделлаштириш усуллари таснифини таҳлил қилиш давомида муаллиф барча ижтимоий моделлар фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, деган холосага келди, аммо фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-кибернетик таҳлили шуни кўрсатадики, умумисоний тамойиллардан қатъий назар, фуқаролик жамияти ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга.

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятини инновацион моделлаштириш ва моделлаштиришнинг долзарблаштирилиши» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт инновацион ривожланишининг хусусиятлари, этнопсихологик ва этномаданий омилларнинг модернизациялаш жараёнларига таъсири тадқиқ қилинди. 2017 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий жараёнлар ва сиёсий раҳбарликни инновацион ривожланишнинг концептуал моделлаштирилиши деб қаралади. Муаллиф томонидан «Ҳаракатлар стратегияси» жамият ижтимоий-сиёсий ривожланишининг концептуал модели сифатида тадқиқ қилинди ва жаҳон тажрибаси асосида таъкидланадики, фуқаролик жамиятининг ривожланиши мамлакатларнинг муайян шароитлари, маданий-тарихий қадриятларига боғлиқ бўлган объектив қонуниятларга асосланган.

Аммо бу инновациялар жорий қилинишини рад этмайди, зеро анъанавийлик ва замонавийлик, консерватив ва илгор қарашлар тўқнашиши мумкин. Бу ўзаро боғлиқлик асосида учинчи бир ҳолат – модернизация қилинган эски нарсалар, ёки анъаналар билан бойитилган янги нарсалар вужудга келади. Пайдо бўлаётган нарса давлатнинг янги стратегияси сифатида жамият ҳаётига, халқнинг ижтимоий-маданий қадриятлари тизимиға кириб бориши керак. Шу тарзда стратегияни концептуал модель деб аташ мумкин, зеро у фалсафий-концептуал жиҳатдан жамиятнинг ривожланиши ва ислоҳотларни амалга ошириш йўлини белгилаб беради.

Диссертант Ўзбекистоннинг «Ривожланиш стратегиясининг» Марказий Осиё мамлакатларини ривожлантириш моделлари билан қиёсий таҳлилини амалга ошириди ҳамда миллий ривожланиш стратегиялари мақсадлари ва вазифаларида умумий ва ўзига хос жиҳатларни аниқлади. Ушбу моделларнинг умумий хусусияти шундаки, «Ривожланиш стратегияси» икки босқичдан ташкил топган. Биринчи босқич XX асрнинг охирида барча мамлакатларда мустақилликнинг эълон қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунда туркманча модель «ижобий бетарафлиги» билан ажralиб туради, иккинчи босқич эса ҳар

бир мамлакатдаги фаровонлик даражасига ва сиёсий вазиятга боғлиқ. Жумладан, ҳали 1997 йилдаёқ Қозоғистон «Қозоғистон Стратегияси – 2030» узоқ муддатли моделини ишлаб чиқишига киришган эди ва ушбу хужжат 2000 йилда қабул қилинган.

Аммо ушбу даврда Ўзбекистонда «Ўзбек моделига» устувор аҳамият қаратилган. Дарҳақиқат, ушбу модель яратилиш пайтида мамлакат демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришди, фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиялари белгиланди, миллий давлатчилик ва суверенитет, давлат чегараларининг дахлсизлиги, қонун устуворлигининг мустаҳкам замини яратилди, ҳалқ ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бозор демократиясига ўтиш иқтисодиёт ва жамиятни маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқаришдан воз кечиш билан бирга давом этди, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратилди, республиканинг хорижий ҳамкорлар билан интеграциявий алоқалари кенгайди.

Шу билан бирга ўтган ўн йилликлар давомида бир қатор кескин ижтимоий, сиёсий ва ташкилий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолди, улар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кескин ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ва турмушнинг барча жабҳаларини эркинлаштиришни тақозо этар эди. 2012 йилда таклиф қилинган «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» «ўзбек модели» ғоясига асосланган.

Аммо, учинчи минг йилликнинг иккинчи ўн йиллигидаги ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар «ўзбек моделининг» асоссизлигини кўрсатди. Шу сабабли, 2030 йилгача мамлакатни 50 та ривожланган давлатлар қаторига киритиш мақсадида “2030-2050 ривожланиш стратегияси” қабул қилинди, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди<sup>22</sup>. Ҳаракатлар стратегиялари кенг кўламлилиги ва универсаллиги билан ажralиб туради, бусиз модель тизим, ижтимоий жараёнларнинг асосий мазмуни сифатида амал қила олмайди. Ҳар бир устувор йўналиш тизимости ёки умумий ижтимоий тизимнинг кичик модели деб тушунилиши мумкин.

Диссертацияда фуқаролик жамиятида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган. Диссертантнинг таъкидлашича, фуқаролик жамиятининг энг асосий аломатларидан бири – бу иқтисодий демократияни таъминлаш, хусусий мулкчилик, бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашdir. Аммо бу мутлақо мулкчиликнинг давлат, жамият ва корпоратив шаклларини, давлат томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ташкил этилишини истисно этмайди. Иқтисодий демократия билан сиёсий эркинлик, бизнес, тадбиркорлик фаолияти билан сиёсий тенглик ўртасида принципиал фарқ мавжуд.

<sup>22</sup> Қаранг: Указ Президента Республики Узбекистан. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.» Официальное издание. – Тошкент: Адолат, 2017. С.41-43.

Муаллиф Р.Далнинг «ёки демократияни мулкчилик хуқуқига таҳдид деб, ёки мулкчилик хуқуқини демократияга таҳдид деб қараш керак»<sup>23</sup> деган фикрига қўшилади. Ушбу зиддият ҳар доим мавжуд бўлади, фуқаролик жамиятидаги айнан ушбу зиддият демократия, эркинлик ва хусусий мулкчилик тарафдорлари ўртасида конструктив мулоқот олиб боришни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу ўринда, муаллифнинг фикрича, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, иқтисодий демократия ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг концептуал моделлари бош роль ўйнайди. Муаллифнинг фикрича, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ушбу омилларни билишни тақозо этади ва уларни оптималлаштиришга йўллайди. Ушбу омиллар Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича устувор йўналишларини аниқлаштиради, ва ушбу устувор йўналишнинг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш комплекс ёндашувни, яъни аввалги тажрибанинг ҳисобга олинини, истеъмол, қайта тиклаш ва тақсимлаш тизимларини, режалаштириш ва прогнозлаштириш усулларини ва қўплаб бошқа омилларнинг таҳлил қилинишини талаб этади. Макроиқтисодий барқарорлик ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш учун моделлаштиришнинг турли усулларидан фойдаланилади. Муаллиф Вальрас-Леонтьевнинг математик моделлаштириш усулига мурожаат қиласади.<sup>24</sup> Ушбу модель дифференциал тенгламаларнинг тўртта гуруҳидан ташкил топган:

$$H \frac{dc}{dt} = \int x - x + N[c(t), Q],$$

$$K \frac{df}{dt} = B'x - r(c, v),$$

$$\frac{dx}{dt} M + c' - (c'A + vB') = c' - c'^*$$

$c^* = c'A + v'B'$ ; бунда  $H$ ,  $K$ ,  $M$  – ижобий элементли диагонал матрицалар;  $r(c, v)$  – ишлаб чиқариш омилларига талаблар.

Дифференциал тенгламаларнинг биринчи гурухи нархлар ўзгариши ҳисобидан ижтимоий ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмолни мувофиқлаштириш жараёнини белгилайди; иккинчиси – истеъмолчилар талабларини қондириш учун зарур бўлган ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни уларнинг таркибда ишлаб чиқарилиши билан мувофиқлаштирилишини акс эттиради; учинчи гуруҳ ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришнинг кўпайишини дифференциал фойданинг манфий эмаслиги шартига кўра белгилайди. Буларнинг барчаси умуман истеъмол товарлари ҳажмининг ўсишига ҳамда энг юқори интеграл фойда асносида нархларнинг пасайишига кўмаклашади<sup>25</sup>. Шу тарзда, муаллифнинг фикрича, фуқаролик жамиятида ижтимоий-иқтисодий

<sup>23</sup> Даль Р. Введение в экономическую демократию. – Москва: Наука СП «ИКПА», 1991. – 55 бет.

<sup>24</sup> Қаранг.: Маришма М. Равновесие, устойчивость, рост (многоотраслевой анализ). – Москва: Наука, 1992.

<sup>25</sup> Бугрим М.В. Вопросы построения модели согласования общественного производства и личного потребления// Моделирование социально-экономических процессов в сфере народного благосостояния. – Москва: Наука, 1999. 34-34 б.

жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хослиги шахс эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда намоён бўлади, шу сабабли ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасини келишиши ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ривожланишининг асосий шарти ҳисобланади.

Диссертацияда инновацион ривожланиш тажрибаси ва истиқболлари ижтимоий жараёнларни моделлаштириш усули сифатида кўрсатилган. Чет эллик олимлар Й.Шумпетер, Р.Акофф, В.Беренс, Р.Друккер, Д.Кларк, Г.Менш, Р.Портер, Р.Форстер тадқиқотларининг таҳлили асосида диссертант «инновация», «инновацион фаолият», «инновацион ривожланиш» тушунчалари моҳиятини бозор демократиясини ҳаракатлантирувчи асосий кучи сифатида асослаб берган. Айнан инновация, тадбиркор қиёфасида, Й.Шумпетер иборасига кўра, янги ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг «янги комбинацияларининг маънавий яратувчи»<sup>26</sup> намоён бўлади. Мазкур тасаввурларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, муаллиф шуни таъкидлайдики, инновация техник-иқтисодий тараққиётнинг чегарасидан ўтган ва маданиятнинг турли соҳаларида рақамлаштиришга киришган. Инновацион ривожланиш моделлаштириш усули сифатида ривожланишнинг объектив тенденцияларида жамланган зиддиятларни ҳал қилишга ёрдам беради. Улар ижтимоий ва иқтисодий субъектларнинг мақсадли инновацион фаолияти туфайли амалга оширилади. Глобаллашув ва интеграция алоқаларининг кенгайиши моҳиятига кўра ижтимоий-маданий воқеаликнинг инновацион моделидир. Ушбу фактни англаш ҳамда тегишли сиёсий ва иқтисодий механизмларнинг ишлаб чиқилиши этноизоляция, этно ақидалар, ўтмишни асосиз мақташ ва улуғлашни енгиб ўтишга ёрдам беради. Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дадиллик билан глобаллашувга қадам кўйиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциявий алоқаларини фаол кенгайтиришга қаратилган. Бунинг учун анъанавий фикрлаш инерциясини енгиб ўтиш зарур. Халқ учун, халқнинг фаровонлигини ошириш, жамият либерал-демократик ривожланишини мустаҳкамлаш учун яшаш ва ишлаш зарур. Ҳозирги инновацион ривожланишни айнан ушбу нуқтаи назардан кўздан кечириш зарур.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой каби етакчи давлатларнинг иш тажрибасини ўрганиш асосида муаллиф шундай хулосага келадики, инновациявий фаолиятда етакчи роль хусусий корпорациялар, технологик парклар, ИТИ (илмий тадқиқот институтлари) ва университетларга, тижорий инновацион марказларга тегишли. Масалан, дунёдаги биринчи йирик инновацион комплекс Стэндфорд университети хузурида ташкил қилинган «Силикон водий» ҳисобланади (АҚШ, Калифорния штати). АҚШ нинг кўплаб университетларида технологиялар трансфери бўйича бўлинмалар шакллантирилган, улар кичик инновацион компанияларни, билимларни узатиш тармоқларини яратишга кўмаклашади. Буюк Британияда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ишлари билан 1999 йилда ташкил қилинган Олий

<sup>26</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – Москва: Прогресс, 1982. 185 б.

таълимнинг инновацион фонди (Higher Education Innovation Fund) шуғулланади. Инновациялар соҳасида етакчилар қаторига Оксфорд, Кембридж ва Бристоль университетлари киради.<sup>27</sup> Ушбу инновацион марказлар манфаатдор ҳамкорлар ва йирик инвесторларни ўзлари излаб топади. Афсуски, Ўзбекистонда ҳозирча бундай шерик ва ҳамкорларни топиш мушкул иш. Шу сабабли давлат ана шундай ҳамкорлар ва инвесторлар сифатида иш юритишига, жамиятни инновацион ривожлантириши ташкил қилишда ташаббус кўрсатишига мажбур.

Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш концепциясида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш, ижтимоий шароитларни тубдан ўзгартириш – шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий, ижтимоий-маданий муассасалар фаолиятини яхшилаш, ёшларни таълимга. илмий-техник фаолиятга жалб қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш, йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, коммунал хизматлар ва сув таъминотини яхшилаш, олис туманлар ва қишлоқ жойларини электрлаштириш ва газлаштириш, халқ таълими, мактабгача таълимнинг янги тизим ва тузилмаларини яратиш кўзда тутилган. Давлатнинг ижтимоий сиёсати инсон, ҳар бир фуқаронинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришига қайта йўналтирилган. Барча давлат бошқаруви институтлари инсонга, халқга хизмат қилиши керак. Ижтимоий сиёсат, инновацион ривожланиш концепциясининг асосини инсон манфаатлари, унинг маънавий-маданий эҳтиёжлари, турмушини, саломатлигини яхшилаш масалалари ташкил этади.

Муаллифнинг таъкидлашича, ижтимоий ҳимояни ва ижтимоий соҳанинг инновацион ривожланишни таъминлаш учун аҳолининг норасмий бандлиги, меҳнат ва меҳнат муносабатларининг масофали шакллари зарур бўлиб, улар давлат соҳалари ва таъсиридан ташқарида шаклланади. Аутсорсинг ва аутстаффинг меҳнат муносабатларига оид одатдаги тушунчаларни ўзгартиради, уларни деярли тартибга солиш ва солиққа тортишнинг иложи йўқ. Меҳнат муносабатларининг ушбу шакллари тегишли қонунлар ва тартибга солиш дастурларини қўллашни тақозо қиласи. Шунингдек, рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт жорий қилиниши билан ҳисобчи, тиббиёт ходими, адвокат, халқ таълими ўқитувчиси, юридик маслаҳатчи, кутубхоначи ва бошқа касблар ўз долзарблигини йўқотмоқда. Бу иш ўринларининг 47 % га қисқариши, ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келади.<sup>28</sup>

Жамиятнинг инновацион ривожланишини таъминлашда давлат институтлари, айниқса бевосита аҳоли билан ишлайдиган институтлар мухим роль ўйнайди. Уларнинг фаолиятидан қониқиши умуман давлат аппарати фаолиятининг тамойиллари тўғрисидаги жамоатчилик фикрининг

<sup>27</sup> Қаранг.: Умаров А.А. Инновационная деятельность научных учреждений в условиях модернизации экономики. – Тошкент: Fanvatexnologiya, 2016. 14-15 б.

<sup>28</sup> Қаранг: Рафиков Қ. Кучли ижтимоий сиёсатнинг Ўзбекистонга хос тажрибаси // Халқ сўзи, 2018, 14 апрель.

шаклланишини белгилаб беради. Барча демократик ислоҳотлар бошқарув институтлари ёрдамида амалга оширилади, сустлик, аҳоли билан ишлай олмаслик, унинг манфаатларидан кўз юмиш дарҳол жамоатчилик фикрга ўз таъсирини ўтказади, одамларнинг фикри тезда ўзгаради. Жамоатчилик фикрининг флуктацион табиатини ҳисобга олмаслик бошқарув аппаратининг ишлай олмаслиги ва этностереотипларни ўзгартира олмаслигини билдиради.

Фуқаролик жамиятида инновацион фаолиятнинг асосий субъекти нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Айнан улар жамият ривожланишининг суръатини белгилайди, ижтимоий ўзгаришларни, жамият ҳаётига янги иш усулларини жорий қилишда ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Шу тарзда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини инновацион моделлаштириш этнопсихологик ва этно маданий хусусиятларга эга. Жамият ҳаёти, ижтимоий соҳалардаги инновацион ўзгаришлар муқаррар жараён бўлиб, уларни жаҳон ҳамжамияти, глобаллашув динамикаси талаб этмоқда.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қўйидаги хуносалар илгари сурилган:

1. Илмий моделлаштириш ижтимоий англаш усулларидан бири бўлиб, у оригинал объект хатти-ҳаракатлари ёки ҳолатидаги ўзгаришларнинг объектив қонуниятлари аниқланганда бошланиб, унинг идеал ҳолатини белгилайди.
2. Ижтимоий воқелик ва ижтимоий жараёнларни оригинал модели сифатида моделлаштиришнинг янада самарали механизмлари белгиланган, ва бунда прототип модел позицияси, унинг ғояси, концепцияси ва хуносаларининг қиймати эътиборга олинади.
3. Тажриба, моделлаштириш натижаларини ижтимоий жараёнларга, оригинал объект ҳаётига босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ, зеро моделлаштириш янги ғояларни шакллантиради, тафаккурни ижтимоий жараёнларни илмий англашга йўналтиради ва шу тарзда, жамоатчилик онгини фан, тажрибакор олим билан конструктив мулоқотга тайёрлайди.
4. Аниқланишича, қадриятларга оид жамиятга қарамай, ҳар бир мамлакатдаги фуқаролик жамияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қўйидагиларда намоён бўлади: 1) либерал-демократик қадриятлар ижтимоий меъёрлар тизимига тобора қўпроқ жорий қилинмоқда, 2) миллий давлатлар тобора қўпроқ мобиллашган, инновацион ва ижтимоий-креатив бўлиб бормоқда, 3) миллий маданият чегаралари кенгайган, 4) турли мамлакат олимларининг инсоният ривожланишини глобал моделлаштиришни яратиш борасидаги фаоллиги, 5) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг қарор топиши тобора ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таклиф қилинган Жамиятнинг инновацион ривожланиши концепцияси инновацион модель бўлиб, у ўз ичига фаровон ва гуллаб-яшнаётган фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги жаҳон тажрибаси ва илгор мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги ютуқларини қамраб олган.

6. Ўзбекистон кенг қўламли ижтимоий тажриба, моделлаштириш йўлидан давом этмоқда ва халқимиз – бу бир пайтнинг ўзида бевосита иштирокчи, оригинал объект ва прототип моделдир. Демак, келажак қўп миллатли халқимизга - оригинал объект сифатида нималар буюртишига боғлик, ва прототип модель сифатида ушбу ўзгаришлар ва изланишлардан шу нарсалар кутилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.30.12.2019.F.01.05  
IN ACCORDANCE OF ACADEMIC DEGREES  
AT THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

---

**NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

**ABDUSATTAROVA SITORA FAKHRIDDIN KIZI**

**PECULIAR FEATURES OF MODELLING SOCIAL PROCESSES  
IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY**

**09.00.04 – Social philosophy**

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR OF  
PHILOSOPHY (PhD) ON PHILOSOPHICAL SCIENCES**

**Tashkent – 2020**

**The topic of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) was registered by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2018.1.PhD/Fal183.**

The dissertation was completed at the National University of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, English (summary) is embedded in the website of the Scientific Council ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) as well as in the information resource portal “ZiyoNet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific adviser:**

**Madaeva Shakhnoza Amanullaevna**  
Doctor of Philosophy, Professor

**Official opponents:**

**Saifnazarov Ismoil Saifnazarovich**  
Doctor of Philosophy, Professor

**Muminov Alisher Gaffarovich**  
Doctor of Political Science, Professor

**Leading organization**

**Tashkent medical academy**

The defense of the dissertation will be held on «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 at \_\_\_\_ at the meeting of the Scientific Council No.DSc.30.12.2019.F.01.05 At the National University of Uzbekistan (Address: Universitetskaya Street, Building 4, Tashkent, 100174, Ukraine. Building of the Department of Social Sciences of the National University of Uzbekistan, 5th floor, 511-room, Tel: (99871) 246-02-24, fax: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz.).

The dissertation may be taken from the Information Resource Center of the National University of Uzbekistan (registered under No. \_\_\_\_). (Address: 100174, Tashkent, Universitetskaya Street, 4. Tel .: (99871) 246-02-24, fax: (99871) 246-02-24).

Abstract of the dissertation sent «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020  
(Protocol at the registry No. \_\_ of «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020)

**N. A. Shermukhamedova**  
A chairman of the Scientific Council for the award of academic degrees, Doctor of Philosophy, Professor

**U.A.Mahkamov**  
Scientific Secretary of the Scientific Council for the award of academic degrees, doctor of Philosophy (PhD)

**G.T.Makhmudova**  
Chairman of the scientific seminar at the Scientific Council for the award of academic degrees, Doctor of Philosophy, Professor

## **INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)**

**The aim of research work** is to substantiate the need for modeling social processes to ensure sustainable development in civil society.

**The object of the research** is the socio-political and spiritual transformations of civil society in Uzbekistan.

**The subject of the research** is the theoretical methods and approaches for modeling social processes in civil society.

**Methods of research work.** Such methods as analysis, generalization, sociometric analysis, hypothetical-deductive approach, mathematical-cybernetic analysis, and the principles of universal interconnection, consistency, continuity were used in the process of the research.

**The scientific novelty of the research** is as follows:

the features of modeling, its role and significance in the knowledge of social processes and patterns of changes in social systems from the point of view of modern democratic transformations in modern society are proved;

the author substantiates the regularity of a complex system of modeling in civil society, which is formed in a combination of traditional and modern development trends that lead to the moral and ideological directions of the imperatives of public consciousness;

it is proved that the concept of civil society development and innovative changes in social life is essentially a conceptual model of democratic reforms, confirmed by mathematical-cybernetic and socio-metric analysis.

social and philosophical proposals have been developed; they reveal the features of the social system and methods of using modeling of social processes occurring in it.

**Implementation of research results.** Based on the developed proposals for the study of specific features of modeling social processes in the development of civil society:

the suggestions and conclusions presented regarding the features of modeling, its role and significance in understanding social processes and patterns of changes in social systems from the point of view of modern democratic transformations in modern society were used to compile textbooks on the subjects "Military sociology" and "Philosophy", intended for students of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special Education No. 89-03-3003 dated August 29, 2020). As a result, the content of the topic "Modeling features" in the subject "Military sociology" and the topic "Processes of social cognition" in the subject "Philosophy" were improved;

conclusions about the regularities of a complex system of modeling in civil society, which is formed in a combination of traditional and modern development trends resulting in the leading moral and ideological directions of the imperatives of public consciousness were used in the development of the draft Code on non-governmental and non-profit organizations of the Republic of Uzbekistan. (Implementation Act of the National Association of non-governmental and non-profit organizations of Uzbekistan No. 04-06 / 138-20 dated November 11, 2020). As a

result, the activities of the National Association of non-governmental organizations of Uzbekistan in improving the level of knowledge and skills of managers and specialists of NGOs have been optimized;

from the developed proposals, obtained by mathematical-cybernetic and socio-metric analysis on the concept of civil society development and innovative transformation of social life, which is a conceptual model of democratic reforms, were used to develop and improve normative legal acts based on the principle of "safe and secure neighborhood" in paragraph 11 of the "Road map" on the implementation of the system set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. up-5938 "on measures to improve the socio-spiritual environment in society, provide further support for mahallas and bring the system of work with families and women to a new level". (Information from the Ministry of mahalla and family support of the Republic of Uzbekistan No. 02-02 / 1637 dated November 24, 2020). The results served to improve the socio-spiritual environment in society, further support the makhalla institute and bring the system of work with families and women to a new level;

the developed socio-philosophical proposals that reveal the features of the social system and modeling of social processes occurring in it were used to form and improve articles-6,7,11 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On public control" Act of the Republic of Uzbekistan-474 of April 12, 2018, articles-9,12,13,18 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On trade unions" Act of the Republic of Uzbekistan-588 of October 24, 2019. (Reference No. 08-13 / 1149 dated July 16, 2020, of the Committee on anti-corruption and judicial and legal issues of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan). As a result, it became possible to use the proposed conclusions to improve the quality of implementation of the Republic of Uzbekistan "On public supervision" and on monitoring the activities of non-governmental and non-profit organizations, citizens' self-government bodies, and public control.

**The structure and scope of the dissertation.** The structure of this dissertation consists of an introduction, three chapters, each of which has three sections, conclusions, and a list of references. The total volume of the thesis is 137 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I часть (1 бўлим; part 1)**

1. Abdusattarova S. The significance and role of modeling in the knowledge of social processes// International Journal of Advanced Science and Technology// Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 2204-2209.
2. Abdusattarova S.Socio-philosophical essence of the Decrees of the head of state in modeling the development of society (on the example of the Republic of Uzbekistan) // The Philosophical Quest// ISSN: 23194-634 Vol-7-Issue-1-January-2020 (Impact Faktor – 6). PP. 12-24.
3. Abdusattarova S. Innovative development as a method of modeling social processes // Modern views and research. Materials of the international scientific and practical conference – August, 2020, England. PP.88-89.
4. Абдусаттарова С. Инновационное развитие как метод моделирования социальных процессов. // “Europe, scienceandwe”. International scientific and practical conference – August, 2020, Praha, Czech Republic, PP 84-85.
5. Абдусаттарова С. Маънавият ва модернизация: диалектик боғлиқлиги масалалари. // Фалсафа ва хуқуқ. – 2010. №3. Стр. 36.
6. Абдусаттарова С. Маънавият ва янгиланиш жараёнлари. // Тафаккур - 2011.№3.. Стр. 111-112.
7. Абдусаттарова С. Моделирование способов подачи информации в СМИ как основной детерминант социального познания // “Медиатаълим: тамойиллар, муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманлар тўплами, Ташкент, УзГУМЯ, 2017 год. Стр.46-47.
8. Абдусаттарова С. Особенности моделирования социальных процессов в развитии гражданского общества // “Ижтимоий-гуманитар фанларининг долзарб масалалари: ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий-назарий анжумани, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 2018 йил 14-15 декабрь. Стр.39-40.
9. Абдусаттарова С. Моделлаштириш нима?// Тафаккур – 2019. №3. Стр.115-116.
10. Абдусаттарова С. Фуқаролик жамиятида ижтимоий жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборотномаси – 2018 №3. Стр. 216-217.
11. Абдусаттарова С. Особенности философского подхода моделирования социальных систем // “Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида маънавий-маърифий ишларнинг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманлар тщплаи, ТМИ, 2019 йил 27-май. Стр.91.
12. Абдусаттарова С. Моделирование и его истоки // Материалы международной научно-практической конференции Академии МВД “Академия

на пути совершенствования системы подготовки квалифицированных кадров для органов внутренних дел”, Ташкент 2019 г. Стр.414-415.

13. Абдусаттарова С. Моделирование и его истоки: историко-философский анализ // ЎзМУ Хабарлари – 2019. №1/3. Стр. 52-54.

14. Абдусаттарова С. Моделирование как способ познания (Гносеологический аспект) // Фалсафа ва ҳуқуқ – 2020. №2. Стр. 183-187.

## **II часть (2 бўлим; part 2)**

15. Абдусаттарова С. Моделирование как форма социо-культурной и экономической обусловленности социального познания// “Методологические вопросы анализа и прогнозирования развития мировой экономики”-Материалы научно-практической конференции., Тошкент,2015, 16 декабря. (МИД, УМЭД). Стр.56-61.

16. Абдусаттарова С. Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида// “Соғлом авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни”. мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманлар тўплами – Қарши, 2014. Стр. 382-384.

Автореферат «Замонавий таълим» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди  
ва ўзбек, рус, инглиз (тезис) тилларидаги матнларини мослиги текширилди  
(10.12.2020 й.)

Босишга рухсат этилди: 11.12.2020 йил.

Бичими 60x84 1/16, «Times New Roman»

гарнитурада рақамли босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи: 3,25. Адади 100. Буюртма № 128

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти босмахонаси.

Босмахона манзили: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5.

